

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ҲАҚҚУЛОВ ЭРКИН БЕКМУРЗАЕВИЧ

**БОЛАЛАРДА УРЕТЕРОГИДРОНЕФРОЗНИ ТАШХИСЛАШ
ВА ЖАРРОҲЛИК УСУЛЛАРИ ТАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Хаккулов Эркин Бекмурзаевич

Болаларда уретерогидронефрозни ташхислаш ва
жарроҳлик усуллари тактикасини оптималлаштириш..... 3

Хаккулов Эркин Бекмурзаевич

Оптимизация методов диагностики и хирургической
тактики при уретерогидронефрозе у детей 29

Khakkulov Erkin Bekmurzayevich

Optimization of methods of diagnosis and surgical tactics for
ureterohydronephrosis in children..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 60

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ҲАҚҚУЛОВ ЭРКИН БЕКМУРЗАЕВИЧ

**БОЛАЛАРДА УРЕТЕРОГИДРОНЕФРОЗНИ ТАШХИСЛАШ
ВА ЖАРРОҲЛИК УСУЛЛАРИ ТАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Tib.27 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифааси (www.tashpmi.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим тармоғига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Акилов Хабибулло Атауллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Зоркин Сергей Николаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси) Эргашев Насриддин Шамсидинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Ахмедов Юсуф Махмудович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Олий касбий таълим давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib. 29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223- уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй.Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э. А. Шамансурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. М. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда уретерогидронефрозни ташхислаш ва даволаш ишларига бугунги кунда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «дунёда болалар туғма касалликларининг 40% дан ортиғини сийдик ажратиш тизими аъзоларининг ривожланиш нуқсонлари ташкил этади»¹. Болаларда қовуқ-сийдик йўли рефлюкси (ҚСЙР) 1% ва сийдик йўллари инфекциялари (СЙИ) 30–50% ҳолда учрайди. Бир ва икки тарафлама рефлюкснинг аниқланиш частотаси бир хил, яъни 49% ва 51% ни ташкил қилди². Бугунги кунда болаларда учрайдиган туғма уретерогидронефроз болалар жарроҳлиги амалиётида ечими топилиши зарур бўлган жиддий муаммолардан бири ҳисбланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ташкил қилиш борасида кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борада касалликларни самарали даволашнинг замонавий моделлар татбиқ этилди ва сезиларли натижалар қўлга киритилди. Болалар орасида туғма уретерогидронефроз касаллигини ташхислаш, ўз вақтида жарроҳлик амалиётини қўллаш натижасида касалликнинг ташхислаш сифати 10,2%, хирургик даво натижалари 13,5% гача яхшиланди. Бугунги кунда тиббиётда ҳал қилиниши зарур муаммоларни бартараф қилиш, энг аввало «аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ва сифатини оширишга қаратилган тиббиётнинг биринчи бўғини, тез ва шошилишч тиббий ёрдамни янада ислоҳ қилиш натижасида оила саломатлигини мустаҳкамлаш, болаларда учрайдиган туғма касалликларни олдини олишга қаратилган сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлашга эътибор қаратиш зарурлиги сезилмоқда»³.

Жаҳонда болаларда уретерогидронефрозни эрта ташхислаш ва даволашда самарали жарроҳлик усуллари тактикасини оптималлаштириш тизимини мақсадида қатор, устувор йўналишдаги илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда: ушбу касаллик келиб чиқиш сабабларини аниқлаштириш; туғма уретерогидронефрозни эрта босқичларда аниқлаш; уретерогидронефрознинг обструктив ва рефлюксли турларини ҳамда уретра клапанини оптимал дифференциал даволаш усулларини ишлаб чиқиш; уретерогидронефрозда морфологик таҳлил асосида клиник кечишини баҳолаш ва оптимал даволаш тизимини танлаш; касалликни кеч ташхислаш натижасида буйрак етишмовчилиги ривожланиши ҳолатларининг олдини олиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; болалар орасида ногиронликни

¹World Health Organization. Pediatrics: fact sheet no. 208. World Health Organization website, 2014. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs208/en>, accessed February 2;

²Ali el-TM, Alfaki EM, Abdelraheem MB.Primary vesicoureteral reflux in Sudanese children.// Saudi J. Kidney Dis Transpl, 2014. №25(4). – pp. 900–905.

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

олдини олиш, асоратларни камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларни тадбиқ қилиш ва алгоритмларни қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.¹

Уретерогидронефроз билан хасталанган болаларни жаррохлик даволаш ҳамда ташхислаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг йирик илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Rady Children's Hospital (АҚШ); Medical Physician, Department of General medicine, Paam Laafi Association, (Burkina Faso Ouagadougou); Keimyung University (Корея); Schneider Children's Medical Center of Israel (Исроил); University of California-Los Angeles (АҚШ); Emory University (АҚШ); University of Messina (Италия); Н.А.Лопаткина номидаги урология ва интервенцион радиология илмий текшириш институти (Россия Федерацияси); Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Болалардаги уретерогидронефрознинг келиб чиқиш сабаблари, хавф омиллари, ташхислаш ҳамда даволаш усулларини тадқиқ этишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: касалликнинг демографик тузилмаси, рефлюкс характери, сийдик йўллари нуқсонларининг турлари, касалликнинг клиник ва рентгенологик манзараси динамикаси таҳлили ҳамда улар асосида беморларни олиб боришнинг индивидуал ёндашув усулини танлаш имконини берувчи башоратлаш шкаласи ишлаб чиқилган (University of Iowa, Emory University (АҚШ); комбинациялаштирилган антибактериал терапия ёрдамида сийдик йўллари инфекцияси қайталанишини 50% гача камайиши аниқланган (Children's Hospital of Michigan (АҚШ); сийдик йўллари нуқсонларини жаррохлик йўли билан даволаш орқали кичик инвазив жаррохлик кесимлардан фойдаланилиб қўпол чандиқ қолдирмайдиган

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.rchsd.org>, <http://www.paamlaafi.org>, <http://www.dsmc.or.kr>, <http://en.israel-clinics.guru>, <https://www.researchgate.net>, <http://www.ucla.edu>, <https://www.choa.org>, <http://www.unime.it>, <http://www.uroline.ru>, <http://www.tipme.uz> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

усуллар амалиётга тадбиқ этилган («Болалар саломатлиги илмий маркази» (Россия); сийдик йўли патологиялари тушунчасининг таърифи, пренатал даврда уретерогидронефроз ташхиси кўйилган болаларни даволаш баённомалари, жарроҳлик йўли билан даволаш юзасидан кўрсатмаларга аниқликлар киритилган (British Association of Paediatric Urologists consensus statement (Буюк Британия); уретерогидронефроз касаллигини жарроҳлик амалиётини оптималлаштириш борасида уретероцистонеоанастомоз усули ишлаб чиқилган (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон)).

Дунёда болалардаги уретерогидронефроз касаллиги ташхислаш, аниқлаш ва жарроҳлик амалиёти асосида даволаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: болаларнинг туғма уретерогидронефроз касаллиги билан туғилиши олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; сийдик йўллари туғма нуқсон касалликларини эрта ташхислаш; обструктив ва рефлюксли уретерогидронефрозлар инфравезикал тўсиқ билан бириккан ҳолда келганда оптимал дифференциал даволаш усулларини яратиш; жарроҳлик усулларини такомиллаштириш; уретерогидронефрозда морфологик таҳлил асосида унинг клиник кечишини аниқлаш ва замонавий даволаш усуларини оптималлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уретерогидронефроз этиологияси ва патогенезига доир масалаларнинг аксарият қисми узоқ ва яқин хорижий давлатларда доимий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда (Di Renzo D, Aguiar L, Cascini V, Di Nicola M. 2013). Сийдик йўлида патологик кенгайишнинг юзага келиши ва ривожланиши юзасидан ишлаб чиқилган назарияларга кўра ушбу касаллик полиэтиологик бўлиб, унинг патогенетик негизида сийдик йўли дистал сегменти деворининг барча қаватларидаги бириктирувчи тўқима, мушак аппарати ва эластик толаларнинг тузилмавий бузилишларидан иборат бўлган туғма нуқсонлар ётади (Ческис А. Л. ва бошқ. 2004; Стей Р., 2012). S. Tokunaka ва T. Koyanagi (1982) сийдик йўли деворидаги морфологик ўзгаришлар билан бир қаторда сийдик йўли атрофидаги Валдейер қобиғи нуқсонини аниқлашди. Шу билан бирга рефлюксланмайдиган уретерогидронефрозда сийдик йўли атрофидаги қобикнинг қалинлашганлиги, бу эса сийдик йўли бўйлаб ўтказувчанликнинг бузилишини янада чуқурлаштириши, сийдик йўли деворидаги ультраструктуравий ўзгаришлар эса сийдик йўлининг торайган сегментида ҳам, сийдик йўлининг юқоридаги кенгайган соҳаларида ҳам кузатилиши мумкинлигини ўз илмий изланишларида баён этишди.

Мегауретернинг этиопатогенезига оид мутлақо янги назарияни Р. А. Nicotina et. al., 1997) таклиф этган. Бу назарияга мувофиқ трансформацияловчи ўсиш омили β_1 (transforming growth factor β_1 (TGF- β_1)) миобластлар дифференциациясини селектив тарзда сўндиради. Муаллифлар обструктив уретерогидронефроз билан хасталанган 2 ёшгача бўлган болаларда қовуқ-сийдик йўли сегменти тўқималарида TGF- β_1 мавжудлиги ва касалликнинг нообструктив шаклида операция қилинган катта ёшдаги болаларда бу омилнинг йўқолиб кетишини аниқлашди. Унга кўра бола

ҳаётининг дастлабки икки йилида бу омилнинг жадал камайиши мегауретернинг ўз ўзидан йўқолиб кетиши билан изоҳланади.

Ўзбекистонда болалардаги уретерогидронефроз масалалари билан шуғулланаётган олимларнинг фикрича, касаллик патофизиологиясини янада яхшироқ тушуниш, илк болалик давриданок уродинамика текширувларни кенг қўллаш, СБЕ ривожланиш хавфи паст ва юқори даражада бўлган беморларга дифференциал ёндошиш, бундай оғир даражадаги беморларни даволаш натижаларини яхшилашда янги истиқболлар очиб бериши мумкин (Ахмедов Ю. М., 2008; Бекназаров Ж. Б. ва бошқ., 2003; Любчич А. С. ва бошқ., 2013).

Уретерогидронефроз билан хасталанган болаларни даволаш натижалари бугунги кунга келиб сезиларли яхшиланди. Лекин шундай бўлсада, болаларда обструктив уропатияни эрта ташхислаш ва хирургик даволаш йўллариини такомиллаштириш масаласини чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТСС–5.4. «Болаларда қорин бўшлиғи аъзолари касалликларида ургент жарроҳликнинг хусусиятлари» (2009-2011 йй) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болалардаги уретерогидронефрозда ташхислаш ва уретероцистонеоанастомознинг модификацияланган усулни такомиллаштириш оркали даволаш натижаларини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда уретерогидронефрознинг клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш;

сийдик ажратиш аъзолари патологиялари характери ва оғирлигини баҳолашда замонавий ташхис усулларининг ўрни ва ахамиятини белгилаш;

уретерогидронефрозли болаларда СЙИ нинг этиологик структураси хусусиятлари ва кўп тарқалган уропатогенлар антибактериал сезгирлигининг замонавий диапазонини аниқлаш;

турли ёш гуруҳларига мансуб болаларда уретерогидронефрозда сийдик йўлининг суправезикал ва интрамурал қисмларида содир бўладиган морфологик ўзгаришларни баҳолаш;

зарарланган буйрак паренхимаси функционал ҳолатининг сонографик, рентгенологик, радиоизотоп, доплерографик ва МСКТ белгиларини ўрганиш;

болалардаги уретерогидронефрозда нефрэктомия амалиётига, шунингдек, аъзони сақлаб ва асраб қолувчи операцияларга кўрсатмалар ва монеликларни аниқлаш;

уретероцистонеоанастомознинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, унинг клиник қўллаш самарадорлигини операциядан кейинги эрта ва кеч даврларда баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида РШТЎИМнинг болалар хирургияси бўлимида III–IV даражали уретерогидронефроз бўйича операция қилинган 158 нафар бола текширилган.

Тадқиқотнинг предмети уретерогидронефрозли болаларни комплекс текшириш ва хирургик даволаш натижалари, уретерогидронефрозда сийдик йўлидаги патологик ўзгарган соҳаларнинг морфологик кўриниши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларни бажаришда клиник манзарани баҳолаш, биокимёвий, инструментал, морфологик, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болалардаги уретерогидронефрознинг клиник кечиши уларнинг антропометрик ҳамда касалликнинг оғирлик даражаси каби параметрлар кесимида баҳоланган;

турли шаклдаги уретерогидронефроз патогенези ва унинг асоратлари ҳақидаги тасаввурларнинг сонографик, компьютер-томографик, доплерографик, радиоизотоп, урофлоурометрик, морфологик семиотика йўллари орқали специфик хусусиятлари ёритилган;

уретерогидронефроз замирида пиелонефритнинг учраши юқорилиги, бу тоифадаги беморларда уропатогенларнинг антибактериал сезгирлиги ва сийдик ажратиш йўлларида бактериялар кўпайишининг замонавий манзараси исботланган;

обструктив уретерогидронефроз ва қовуқ сийдик йўли рефлекси замирида бола ўсиши ва ривожланиши билан бирга сийдик йўлининг турли соҳаларида юзага келадиган морфологик ўзгаришлар исботланган;

болаларда уретероцистонеоанастомоз шакллантириш усуллари ишлаб чиқилиб, реконструктив-тикловчи операциялар асосий босқичларининг техник ечимлари такомиллаштирилган, уларнинг анъанавий операцияларга нисбатан самарали эканлиги асосланган;

ушбу оғир жароҳлик патологиясида аъзони асраб қолувчи операцияларга кўрсатма ва монеликлар оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

обструктив ва рефлюкс уретерогидронефроз шакллари ҳамда асоратларининг янги дифференциал диагностик белгилари аниқланган;

шикастланган буйрак паренхимасининг функционал ҳолатини баҳолашда компьютер томографияси (МСКТ), радиоизотоп ва доплерографик таҳлил белгилари асосида тўлдириш зарурати асосланган;

ишлаб чиқилган клиник-диагностик алгоритмнинг тадбиқ этилиши болалардаги уретерогидронефрозда аъзони сақлаб қолувчи операциялар жараёнида танлаш тактикасини оптималлаштириш, асоссиз нефрэктомиялар ва ўринсиз реконструктив-тикловчи операцияларни сезиларли даражада камайтириш имконини яратилган;

болаларда пиелонефрит замирида кечувчи уретерогидронефрозда уропатогенларнинг бактериал экиш ва верификация спектрига антибактериал сезувчанлигини аниқлашнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган;

модификациялаштирилган қовуқ-сийдик йўли устаси қўйиш усулида сийдик йўлидаги меъёрий узунликни тиклаш, барча букилмаларни тўғрилаш, уродинамиканинг мослигини таъминлаш ва операциядан кейинги асоратлар учрашининг камайиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий бири бирини тшдирувчи клиник, морфологик, биокимёвий, инструментал, статистик текшириш усуллари билан тасдиқланган, ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, болаларда сийдик йўлларидаги туғма букилма тўсиқларини тўғирлаш ва сийдик оқимини яхшилаш тактикасини такомиллаштирилганлиги, тадқиқот натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уретерегидронефроз билан хасталанган болаларда ташхис сифати ва хирургик даволаш натижаларини яхшилаш борасида олинган хулосалар фаннинг турли жабҳаларида, ўқув жараёнидаги амалий соғлиқни сақлаш, хирургик бўлимлар амалиётида режали, шу билан бирга шошилишчи тиббий ёрдам жараёнида қўлланилиши мумкин. Ташхислашнинг замонавий усулларида фойдаланиб, олинган комплекс текшириш таҳлиллари натижалари ҳамда морфологик тадқиқотлар ушбу оғир туғма касалликнинг патогенези янги аспектиларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклиф этилган даволаш профилактик тадбирлари жарроҳлик амалиёти натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги асоратлар учрашини сезиларли қисқартириш, қайта операциялар заруратини камайтириш имконини берди. Ишлаб чиқилган кўрсатмалар ва критериялар болалардаги уретерегидронефроз операцияларида аъзони сақлаб қолишни танлаш имкони мавжудлигини таъминлади, МСКТ, радиоизотоп ва доплерографик таҳлил белгилари шикастланган буйрак паренхимасининг функционал ҳолатини сақлаш, асоссиз нефрэктомиялар ва реконструктив-тикловчи операциялар сонини камайтириш, уретерегидронефрозни эрта ташхислашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда уретероцистонеоанастомоз усуллари такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Болаларда уретерогидронефрозни ташхислаш ва жарроҳлик усуллари тактикасини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда уретероцистонеоанастомоз усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти олинган (№IAP 05059). Ушбу усул болаларда сийдик йўлларидаги туғма букилма тўсиқларини тўғирлаш ва сийдик оқимини яхшилаш тактикасини оптималлаштириш орқали адекват уродинамикани тиклашга имкон беради ҳамда қовуқ-сийдик йўли рефлюксини бартараф қилувчи клапанли механизмни яратади;

Болаларда туғма уретрогидронефроз касаллиги, унинг оқибатида сийдик йўлларида келиб чиқадиган ўзгаришларни олдини олиш ва самарали даволаш бўйича олинган илмий натижалар «Болаларда уретрагидронефроз диагностикаси ва даволаш» услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 24 апрелдаги 8 д-3/62-сонли маълумотномаси). Мазкур қўлланма уретрогидронефроз ривожланганда сийдик йўлларидаги ўзгаришларни эрта ташхислаш ва жаррохлик йўли билан бартараф қилиш имконини берган.

Болаларда уретерогидронефрозни ташхислаш ва жаррохлик усуллари тактикасини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, «Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида» ва Тошкент шаҳридаги 2-сон болалар жаррохлик клиник шифохаси тиббиёт амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 24 апрелдаги 8д-3/62-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши асоратлар сонини 22,1% дан 9,6% гача камайтириш ва даволаниш муддатини ўртача 1,4 кунга қисқартириш, даволанишдан кейинги самарали натижалар сони 85,4% дан 95,8% гача кўпайтириш, узок муддат кечувчи қовуқ сийдик йўли рефлюкси сонини 3,7% дан 1,7% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 44 та илмий иш, шундан 15 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 9 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та ихтиро учун патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Болаларда уретерогидронефроз муаммосининг ҳозирги ҳолати» деб номланган биринчи бобида болаларда уретерогидронефрознинг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, диагностикаси ва даволаш масалаларига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. Замонавий эндовизуализация усулларига, буйрак ва сийдик ажратиш йўллари (САЙ) морфофункционал ҳолатини объектив баҳолашга доир ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилган. Болалар уретерогидронефрозининг қайта тикловчи жаррохлик амалиётидан кейин сийдик йўллари фаолиятини тиклашнинг сўнгги йилларда тенденцияси ва ривожланиш тарихи батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «Болаларда уретерогидронефрозни ташхислаш ва жаррохлик усулларни тактикасини оптималлаштиришни методологияси ва монитиринги» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган. Тадқиқот вазифаларига мувофиқ 2005 йилдан 2012 йилгача бўлган давр мобайнида уретерогидронефроз билан каслланган 158 нафар боланинг комплекс текшириш ва хирургик даволаш натижалари ўрганилди. Ўғил болалар 100 нафар (63,3%), қиз болалар 58 нафар (36,7%). Бемор болаларнинг ёши 3 ойликдан 14 ёшгача, ўртача ёш $4,15 \pm 3,21$ (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларнинг жинси, ёши ва уретерогидронефроз характериға кўра тақсимланиши

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=97)		Назорат гуруҳи (n=61)		P	Жами (n=158)	
	n	%	n	%		n	%
эркак	56	57,7	44	72,1	>0,05	100	63,3
аёл	41	42,3	17	27,9	>0,05	58	36,7
Ўртача ёш, M±σ	4,09±3,23		4,24±3,19		>0,05	4,15±3,21	
Уретерогидронефроз шакли:							
обструктив	58	59,8	32	52,5	>0,05	90	57,0
КСЙР	39	40,2	28	45,9	>0,05	67	42,4
обструктив.+КСЙР	0	0,0	1	1,6	>0,05	1	0,6
Бир томонлама зарарланган.	49	50,5	26	42,6	>0,05	75	47,5
Икки томонлама зарарланган.	48	49,5	35	57,4	>0,05	83	52,5
Уретерогидронефроз даражаси:							
III даража	8	8,2	4	6,6	>0,05	12	7,6
IV даража	89	91,8	57	93,4	>0,05	146	92,4
Иситмали СЙИ	70	72,2	41	67,2	>0,05	111	70,3
СБЕ	24	24,7	26	42,6	<0,05	50	31,6
көспенсацияланган	14	14,4	13	21,3	>0,05	27	17,1
субкомпенсацияланган	8	8,2	13	21,3	<0,05	21	13,3
декомпенсацияланган	2	2,1	0	0,0	>0,05	2	1,3

158 нафар бемор болаларнинг барчасида обструктив уретерогидронефроз 90 нафар (57,0%) бемор ва ҚСЙР 67 нафар (42,4%) бемор бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Бундан ташқари 1 нафар бемор (0,6%)да ўнг томонлама обструкция ва чап томонлама ҚСЙР сабабли иккала сийдик йўлида ўтказувчанликнинг босқичма-босқич тикланиши бажарилган.

Беморларнинг 83 нафари (52,5%) да икки томонлама зарарланиш қайд этилган, бу беморларда бир пайтнинг ўзида икки томонлама бажариладиган босқичли жарроҳлик амалиёти қўлланилди. Босқичларнинг кетма-кетлиги уретерогидронефрознинг намоён бўлиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Операция сийдик йўли энг кўп кенгайган томондан бошланди.

Хирургик давога кўрсатма, асосан, уретерогидронефрознинг 4-даражасида берилди, касалликнинг бу даражаси 146 нафар (92,4%) беморда аниқланди. 12 та (7,6%) ҳолатда жарроҳлик амалиёти 4-даражали ҚСЙР фонидаги уретерогидронефрознинг 3-даражасида бажарилди.

Кузатувларимизда СБЕнинг клиник-лаборатор белгилари 50 (31,6%) беморда, жумладан, 27 (17,1%) кишида компенсацияланган, 21 болада (13,3%) субкомпенсацияланган ва 2 ҳолатда (1,3%) декомпенсацияланган буйрак етишмовчилиги қайд этилган.

Сурункали буйрак етишмовчилиги, одатда, сийдик йўли икки томонлама шикастланган болаларда ривожланиши аниқланди. Буйрак етишмовчилиги қайд этилган 50 нафар боладан 44 нафарида (88,0%) клиник жиҳатдан сезиларли дисфункция икки томонлама уретерогидронефроз фонида ривожланган. Бунда СБЕнинг субкомпенсацияланган ва декомпенсацияланган шакллари (2 та ҳолат бундан мустасно) иккала сийдик йўли шикастланишидагина қайд этилган.

Урологик беморларнинг бундай тоифасини ташхислаш, хирургик даволаш тактикаси ва техникасини такомиллаштириш жараёнида 2009 йилдан бошлаб уретерогидронефрознинг 3- ва 4-даражасини комплекс текшириш ва хирургик қўлланма баённомаларига сезиларли ўзгаришлар киритилди. Таклиф этилган ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини илмий баҳолаш мақсадида барча беморлар икки гуруҳга ажратилди ва бу беморлар стационар давони икки дискрет даврда олишди. Уретерогидронефроз билан оғриган ва 2009–2012 йиллар мобайнида ушбу тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган баённомалар асосида операция қилинган 97 нафар бола асосий гуруҳни ташкил этди. Назорат гуруҳига 2005–2009 йиллар давомида анъанавий хирургик даво тайинланган 61 нафар бола киритилди.

Болаларнинг таққосланаётган гуруҳлари деярли барча асосий параметрлар (жинси, ёши, уретерогидронефроз оғирлиги, шакли ва тарқалганлиги, яққол ифодаланган СЙИ мажудлиги) бўйича қиёсланди (1-жадвал). Асосий гуруҳдаги беморларда уретерогидронефрозли беморларни операциядан олдин текшириш ва хирургик даволаш баённомаси МСКТ-урография; анти ва ретроград урография; Реберг синамаси, буйрак томирлари доплерографияси, буйрак радиоизотоп скинтиграфияси, урофлоуметрия;

шифохонада модификацияланган уретероцистонеоанастомоз операциясини кўллаш; нефрэктомияга кўрсатмани чегаралаш ва геминефроуретероэктомияга кўрсатмани кенгайтириш ҳамда аниқлаштириш билан тўлдирилди. Кўшимча текширишларнинг кўрсатилган рўйхати буйраклар ва сийдик ажратиш йўлларининг анатомик-физиологик ҳолати ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш, тегишли операция олди тайёргарлигини дифференциал ҳолда ўтказиш, хирургик давонинг энг маъқул тактикасини белгилаш имконини берди, буйраклар функционал ҳолатини синчиклаб баҳолаш, нефрэктомияга кўрсатмани чегаралаш ва геминефроуретероэктомияга кўрсатмани кенгайтириш ҳамда аниқлаштириш учун зарур бўлди. Асосий гуруҳдаги 78 нафар (80,4%) болада уретерогидронефрозни хирургик коррекциялаш учун клиникада модификацияланган уретероцистонеоанастомоз методикасидан фойдаланилди.

Бундан ташқари РШТЎИМ патолого-анатомик бўлимида қатор морфологик текширувлар ўтказилди. Оператив даво жараёнида кесиб олинган сийдик йўлларининг патологик ўзгарган соҳалари ўрганиб чиқилди.

Олинган материалларга статистик ишлов бериш MSOffice 2007 дастури, «Statistica 6,0» амалий дастурлар пакети ёрдамида тиббий маълумотлар таҳлилини ўтказишга қўйилган замонавий талабларга мувофиқ бажарилди.

Диссертациянинг «**Болалардаги уретерогидронефрознинг клиник кечиши ва ташхислаш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида болалардаги туғма уретерогидронефрознинг асосий хусусиятларидан бири касалликнинг бола ҳаётининг биринчи йилларидаёқ клиник намоён бўлиши ва жадал ривожланиши эканлиги кўрсатилган. 81% беморда мактабгача таълим ёшида хирургик даво тайинланган. Кузатувлар натижасида уретерогидронефроз ўғил болаларда икки баробар кўпроқ кузатилиши аниқланган (58 нафарга қарши 100 нафар). Бемор болалар стационарга келтирилган пайтда бирламчи уретерогидронефрознинг кўп кузатиладиган клиник белгиларидан сийдикнинг хиралашуви кўринишидаги пиелонефрит белгилар (82,3%) ва иситмалаш (70,3%) қайд этилган. Кўпинча болалар бел соҳаси (68,4%), қорин (7,6%) ва қовуқ (3,8%) соҳасидаги оғриқлардан шикоят қилишган. Интоксикация ва вегетатив дисфункция белгилари: иштаҳанинг пасайиши (43,7%), ҳолсизлик (29,7%), кўнгил айланиши (7,0%) ва қусиш (6,3%); дизурия, сийишнинг қийинлиги (15,2%) ва сийишда оғриқ бўлиши (10,8%), сийдик тута олмаслик (7,0%) ва тез-тез сийиш (5,1%) қайд этилган.

Қайд этиш лозимки, уретерогидронефроз билан оғриган ҳар учинчи бола (50 нафар, 31,6%) анамнезида урологик операциялар ўтказилганлиги қайд этилган. Тадқиқот давомида кўпинча нефростома (25 нафар, 15,8%) ташхиси қўйилган болалар билан ишлашга тўғри келди, шундан 19 нафар (76,0%) болада икки томонлама буйрак косачаси-жом тизимини (БКЖТ) буйрак орқали дренажлаш амалиёти бажарилган.

14 нафар (8,9%) беморда Политан–Ледбеттер операциясидан кейин уретерогидронефроз қайталаниши ташхисланган, жумладан, 5 нафар (3,2%) беморда 2 марта қилинган операциядан кейин ҳам касалликнинг қайта такрорланиши қайд этилди. Эҳтимол, бу уретероцистонеоанастомоз

қўйишнинг қайд этилган усули ишончилиги қониқарли эмас. 4 нафар (2,5%) беморда уретерогидронефроз қайталаниши уретра клапанининг эндоскопик (3) ва очик (1) бартараф этилиши натижасида юзага келган. Бу ушбу тоифадаги беморларни хирургик даволаш тактикасини танлашдаги анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш лозимлигини тақозо этади.

3 та (1,9%) ҳолатда уретероцистонеоанастомоз қўйилишидан олдин туғма гидронефроз бўйича пилоруретеропластика амалиёти бажарилди. Яна бир ҳолатда (0,6%) бемор болада эпицистостома қўйилган нейроген қовуқ бўйича радикал операция бажарилди. Бир бола (0,6%) клиникага Коэн операциясидан кейинги уретерогидронефрознинг қайталаши бўйича ётқизилди.

82 нафар (51,9%) беморда сийдикнинг бактериологик текшируви микроорганизмлар ўсишини аниқлаб берди. Бактериал уроинфекциянинг энг кўп кузатиладиган сабабларидан *Klebsiella pneumoniae* (22 та ҳолат), *Escherichia coli* (15 та ҳолат) ва *Pseudomonas aeruginosa* (15 та ҳолат) ҳисобланади. Кузатувлар натижасида бактериуриянинг аниқланиш частотаси уретерогидронефроз турига боғлиқ эмаслиги аниқ бўлди: бу кўрсаткич касалликнинг обструктив шаклида ҳам, рефлюксловчи шаклида ҳам мос равишда бир хил 51,1% ва 52,9% бўлди.

Деярли ҳар бешинчи болада сийдикда аниқланган микрофлора комбинацияланган антибиотик сульперазонга нисбатан юқори сезгирликни намоён қилди. III авлод аминогликозиди амикацин, фторхинолонлар ципрофлоксацин, левофлоксацин ва пефлоксацин, шунингдек, III авлод цефалоспорини цефотаксимлар ҳам анча юқори антибактериал фаолликка эга бўлди. Бошқа ўрганилган антибиотикларга сийдикнинг экилган микрофлораси айрим ҳоллардагина сезгирликни намоён қилди.

Уретерогидронефроз билан оғриган беморларни бирламчи текширишнинг скрининг усули УТТ ҳисобланади, бу текширув 158 нафар беморнинг барчасида бажарилди, зарарланган сийдик йўлининг умумий сони 241:бир томонлама зарарланиш 75 нафар беморда, икки томонлама шикастланиш 83 болада қайд этилди. УТТда сийдик йўлининг юқори ва пастки учдан бир қисмини кўришга эришилди – мос равишда 193 (80,1%) ва 167 (69,3%) нафар. Ультратовуш сканерлашда аниқланган сийдик йўлларининг ярмидан кўпи 1 смдан ортиқ диаметрга эга. Кузатувларимизда ҳар бир ўнинчи шикастланган сийдик йўли диаметри 2 смдан ортиқ бўлди, бу бундай беморларда бир пайтнинг ўзида уретероцистонеоанастомоз қўйиш амалиётини қийинлаштирди.

Сийдик ажралиши бузилган, узоқ чўзилган ва қайталанган пиелонефрит, сийдик тута олмаслик белгилари қайд этилган беморларда сийдик йўллари кенгайишининг бевосита сонографик белгилари мавжуд бўлмаган ҳолатларда УТТда БКЖТ ҳолатига эътибор қаратилди. Зарарланган сийдик йўли томонида БКЖТ кенгайиши барча текширилган беморларда аниқланди.

52 (21,6%) нафар бемор буйрагининг УТ ўлчами 3–4-даражали уретерогидронефроз фонида меъёрий кўрсаткич чегарасида бўлди. Шикастланган томондаги буйрак ўлчамининг катталашуви 175 (72,6%) ҳолатда, абзонинг бужмайиш белгилари 14 (5,8%) ҳолатда қайд этилди.

БКЖТда босимнинг ортишига энг кўп морфосонометрик барқарорлик буйрак паренхимаси қалинлиги (БПҚ) кўрсаткичида намоён бўлди – 163 (67,6%) ҳолатда шикастланиш томонида БПҚ ёшга боғлиқ кўрсаткичлар чегарасида қолди. БПҚнинг камайиши 59 та (24,5%) ҳолатда аниқланди ва фақат 3 (1,2%) нафар бемор буйрагида паренхиманинг бутунлай йўқолиши қайд этилди. Буйрак паренхимасининг йўқ бўлиши тегишли буйракнинг функционал йуклиги белгиси ҳисобланади ва доплерография, экскретор урография ҳамда радиоизотоп сцинтиграфия текширувлари билан қўшимча тасдиқлангандан кейингина буйракни олиб ташлаш операцияси бажарилади.

Иккиланган буйраклар 15 (9,5%) нафар беморда аниқланиб, улар алоҳида гуруҳни ташкил этган ва фақатгина 1 ҳолатда икки томонлама иккиланиш аниқланган. Одатда, паренхиманинг туғма дисплазияси ва атрофияси буйракнинг юқори ярмида қайд этилади. Кузатувлар жараёнида барча иккиланган 16 та буйракда юқorigи иккиланган буйракдаги БПҚнинг юпқалашуви (1) ва йўқолиши (15) ҳолатлари аниқланди, бунда қуйи иккиланган буйрак паренхимаси қалинлиги 14 ҳолатда меъёрда бўлди, иккита буйракда БПҚнинг бирмунча юпқалашуви қайд этилди.

Зарарланган буйрак паренхимасида чандикланиш жараёнининг жадаллашуви натижасида фиброз тўқима ўсиши ҳисобига буйрак контурлари аниқлиги йўқола бошлайди. Уретерогидронефрозда УТ тасвирда БПҚ сақланганда буйрак контурларининг бўртмалиги 25,2% да, паренхиманинг юпқалашуви ва тўлиқ атрофиясида бу эхо белги мос равишда 73,3% ва 100% сонограммаларда кузатилди. Контурларнинг ноаниқлиги бироз кейинроқ ривожланади: буйрак паренхимаси қалинлигининг меъёрий ўлчамларида (боланинг ёши ҳисобга олинган ҳолда) бу белги 15,3% ҳолатда қайд этилди, сонограммаларда паренхиманинг батамом йўқолишида 55,6% ҳолатда аъзонинг аниқ контурлари сақланиб турди. БПҚнинг яққол юпқалашуви фонида буйрак контурларининг аниқлиги сақлаш ижобий прогностик белги ҳисобланиб, аъзони сақлаб қолиш имкониятига ишора қилади.

Беморларнинг учдан бир қисмида (57 нафар 36,1%) УТТда қовуқ деворининг қалинлашуви қайд этилди, жумладан, 10 (6,3%) нафар беморда дағал қалинлашув аниқланди, бу эса бириктирувчи тўқиманинг ўсиб кетиши билан кечувчи цистит сурункалашуви сонографик белгиси ҳисобланади. Бу белги касалликнинг обструктив шакли билан оғриган беморларда 3 марта кўпроқ кузатилди. Бунда обструктив уретерогидронефрозда қовуқнинг ўзгарган девори қайд этилган 30 нафар бемордан 27 нафарида (90,0%) уретероцеле аниқланди. Уретероцеле ва у келтириб чиқарадиган сийдик йўллариининг инфравезикал обструкцияси сийдик пуфагида фиброз-склеротик трансформация ривожланиш хавфининг муҳим омилларидан бири ҳисобланиш эҳтимоли тахмин қилинди.



Қовуқ девори ва атрофдаги тўқималардаги яллиғланиш инфильтрацияси (15,5% беморда қайд этилган) сонограммаларда текис контурнинг йўқолиши билан характерланади, бу, одатда, ортга қайтувчи характерга эга ва операция олди яллиғланишга қарши даво ўтказишни талаб этади. Юқорида санаб ўтилган структураларнинг чандикли ҳосилалари қовуқ контурининг текислиги

ва аниқлигининг йўқолишида намоён бўлади (12,0% болада аниқланди), бу, айниқса, трабекуляр қовуқда яққол ифодаланади.

Асосий гуруҳдаги 58 нафар (59,8%) бемор сонограммаларида қовуқ таркибида гомогенликнинг йўқлиги қайд этилди. Бу эса яққол ифодаланган йирингли циститга хос ва хавфли белгилардан бири ҳисобланади.

Уретерогидронефроз билан оғриган болаларда шикастланган буйрак функционал ҳолатини баҳолашда энг сезгир ташхислаш усули радионуклидренография ҳисобланади, бу усул асосий гуруҳдаги 17 нафар (17,5%) беморда бажарилди, 9 нафар (9,3%) беморда икки томонлама уретерогидронефроз қайд этилган (26 буйрак функционал ҳолати ўрганилди). Бу патология учун доимо ортиб боровчи типдаги эгри чизикнинг қайд этилиши ҳарактерли, эгри чизикда алоҳида сегментларни ажратиш мумкин эмас (T_{max} ва $T_{1/2}$ аниқланмайди). Буйрак етишмовчилиги кўшилганда эгри чизик бироз бошқача характерга эга бўлиб, изотоп тўпланиши ва ажралиши секин кечади (T_{max} ва $T_{1/2}$ кескин узаяди). Бу усул юқори сийдик йўллари бўйлаб уродинамиканинг бузилишига—25 (96,2%) та буйракда қон-томир ва секретор сегментларда ўзгаришга олиб келиб, барча буйракда экскретор сегментнинг патологик типи аниқланди. Аъзодаги плазма оқими 17 нафар бемордан 10 (58,8%) нафариди сезиларли даражада паст бўлиб, буйракнинг функционал ҳолати (шикастланган буйракда радиоактив фармпрепарат тўпланиши мавжуд эмаслиги) икки нафар беморда қайд этилди.

Шикастланиш томонидаги сийдик йўлининг кенгайиши ва деформацияси асосий гуруҳдаги 65 (67,0%) нафар беморда операция олди комплекс текшируви доирасида МСКТ-урография бажарилди. Контрастлашнинг турли фазаларни динамик текшируви 14 (21,5%) нафар беморда уретероцеленинг аниқланди. Уретероцеледа қовуқ тешигида тўлиш нуқсони катта ўлчамларга бўлиб, (1-расм), бу 14 нафар бемордан 9 нафари (64,3%)да қайд этилди.



1-расм. Уретероцеле ва сийдик йўли тешиги эктопиясининг МСКТ тасвири: а) икки томонлама уретерогидронефроз, икки томонлама буйраклар иккиланган; б) ўнг томонда уретерогидронефроз, буйрак иккиланиши ва уретероцеле (3D реконструкция).

Бу ерда МСКТ-урографиянинг яна бир афзаллиги намоён бўлади, бу усул икки томонлама уретерогидронефроз билан оғриган беморларда уретероцеленинг ўнг ёки чап сийдик йўлига тегишлилигини аниқлаш имконини беради. Қовуқнинг тўлиш нуқсони (уретероцеле) тегишли сийдик

йўли билан боғлиқ бўлади (1-расм). Уретерогидронефроз билан оғриган 38 нафар (58,5%) болада патологиянинг обструктив шакли қайд этилди, жумладан, 17 нафар (44,7%) болада жараён икки томонлама эканлиги аниқланди. Қолган 27 нафар (41,5%) беморда ҚСЙР аниқланган. Обструктив уретерогидронефроз ва ҚСЙРни МСКТ семиотикасининг қиёсий таҳлили бу иккала патологик ҳолатни аниқ дифференциаллаш имконини берадиган бир нечта фарқловчи симптомларни ажратиш имконини берди (2-жадвал).

2-жадвал

Болалардаги обструктив ва рефлюксловчи уретерогидронефрознинг дифференциал-ташхислаш белгилари

МСКТ белгилар	Обструктив уретерогидронефроз	ҚСЙР
1. Қовуқ-сийдик йўли сегменти кўриниши	Сийдик йўлининг дистал бўлими ва қовуқ оралиғида турли узунликдаги торайиш ёки тўсик аниқланади	“Қовуқ ўсимтаси симптоми” аниқланади. Сийдик йўли дистал бўлими қовуқнинг ўсимтаси кўринишдаги сояси билан бирлашади
2. Қовуқдаги ва сийдик йўлининг дистал бўлимидаги суюқликзичлиги	Буйрак функцияси сақланганда сийдик йўлидаги суюқлик зичлиги сийдик пуфагидаги суюқлик зичлигига кўра юқори бўлади Буйрак функцияси пасайганда сийдик йўлидаги суюқлик зичлиги сийдик пуфагидаги суюқлик зичлигидан паст бўлади	Сийдик йўли ва сийдик пуфагидаги суюқлик зичлиги бир хил бўлади
3. Шикастланган буйракнинг проксимал ва дистал сегментларидаги суюқлик зичлиги	Барча соҳаларда бир хил камайган бўлади	Проксимал сегментда зичлик дистал сегментдагига нисбатан кўпроқ камайган бўлади
4. Шикастланган сийдик йўлидаги проксимал ва дистал бўлимлар диаметри	Косача-жом тизими ва сийдик йўли проксимал бўлими дистал бўлимига нисбатан кенгроқ	Сийдик йўлининг кенгайиши дистал бўлимда яққолроқ ифодаланади

Диссертациянинг «Сийдик йўллариининг морфологик ва морфометрик тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида болалардаги обструктив ва рефлюксловчи уретерогидронефрозда сийдик йўлларидаги патоморфологик ўзгаришлар болаларнинг ёшига қараб алоҳида тарзда: 1 ёшгача, 1 ёшдан 3 ёшгача, 3–6, 6–9 ва 9 ёшдан катта даврда ўрганилишига бағишланган.

Дистал сегментдаги барча қаватлари, мушак аппарати бириктирувчи тўқималаридаги структуравий бузилишлар микроскопик даражада аниқланди.

Рефлюксловчи уретерогидронефрозда узоқ вақт кечувчи яллиғланиш жараёни белгилари биринчи ўринга чиқади, обструкцияли уретерогидронефрозда эса яллиғланиш фоизи анча паст. Сурункали яллиғланиш асосидаги склеротик ўзгаришлар сийдик йўли девори тўқималарининг ўзгаришига ва сийдик йўли обструкциясига олиб келади. Узоқ муддат давом этган функционал зўриқиш тўқималарнинг структуравий қайта қурилишига олиб келувчи регенератор гиперпластик жараёнларнинг ишга тушишига сабаб бўлади.

Обструктив уретерогидронефроз асосида сийдик йўли деворининг дисплазияси ётади, бу мушак толаларининг аниқ дифференциаллашмай, бўйлама ва циркуляр қаватларда тартибсиз жойлашуви, силлиқ мушакли толаларнинг гипо ёки гиперплазияси ва дағал толали бириктирувчи тўқима шаклланишининг ортишида ифодаланади.

Рефлюксловчи ва обструктив уретерогидронефрозда сийдик йўли қаватлари структурасидаги кескин ўзгаришлар торайиш ҳудудлари учун характерлидир. Патологияда шиллиқ қават атрофияга учрайди, назорат гуруҳида эса ушбу қаватнинг катталашуви қайд этилади. Текширилган гуруҳларда мушак қавати назорат гуруҳидагига нисбатан гипертрофияланиши аниқланди. Бунда қалинлашиш бириктирувчи тўқима майдонининг мушаклараро бўшлиқда катталашуви натижасида содир бўлади. Тадқиқот гуруҳларида сийдик йўли адвентицияси (ташқи бириктирувчи тўқима қавати) касаллик узоқ муддат кечишида кичраяди, ҳолбуки, назорат гуруҳида ушбу қават қалинлиги барча ёшдаги болалар гуруҳларида деярли ўзгармасдан қолган.

Рефлюксловчи ва обструктив уретерогидронефрозда кенгайиш ҳудудида шиллиқ қават нормада ва обструкцияда катталашади, рефлюксда кичраяди. Патологияда мушак қавати бола ўсиши жараёнида катталашади, нормада эса бу қават қичиклашади. Уретерогидронефрозда адвентиция қалинлиги бола ёшига қараб қичиклашади, назорат гуруҳида эса деярли ўзгармасдан қолади.

Сийдик йўли деворининг суммар қалинлиги патологияда боланинг ривожланиш жараёнида кескин катталашади, бунда рефлюксловчи уретерогидронефрозли болаларда девор қалинлиги яққолроқ ифодаланади.

Шундай қилиб, уретерогидронефроз замирида зарарланган сийдик йўлида шиллиқ парда атрофияси, мушак қатламининг қалинлашиши ва бириктирувчи тўқима билан алмашилиши ҳамда адвентициянинг юпқаланиши билан кечувчи патологик кенгайишнинг кучайиши қайд этилади, буни сийдик йўлини моделлаштиришга кўрсатмаларни кенгайтириш зарур бўлган катта ёш гуруҳига мансуб болаларда ўтказилувчи реконструктив-тиклаш операцияларида эътиборга олиш лозим.

Диссертациянинг «**Болалардаги уретерогидронефрозни хирургик даволаш натижалари**» деб номланган бешинчи бобида болалардаги уретерогидронефрозни хирургик даволаш тактикасини танлашга доир

ёндашувларимиз тизимлаштирилган. III ва IV даражали уретерогидронефроз билан оғриган 158 нафар боланинг барчасида (мос равишда 12 нафар ва 146 нафар бемор) хирургик даво ўтказилди. Назорат гуруҳидаги беморларнинг деярли барчасида (60 нафар, 98,4%) сийдик йўлининг патологик ўзгарган соҳаси резекцияси ва унинг соғлом қисмини сийдик пуфагига реимплантация муолажаси (уретероцистонеоанастомоз) бажарилган бўлса, кейинги йилларда асосий гуруҳ беморларида бу реконструктив-тикловчи операция танловига янада дифференциалланган ҳолда ёндашишга ҳаракат қилдик, бу муолажа 77 (79,4%) нафар беморда бажарилди (3-жадвал).

3-жадвал

Уретерогидронефрозбилан оғриган болаларда бажарилган операциялар характери

Операция характери	Назорат, n=96		Асосий, n=130		Жами, n=158	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Уретероцистонеоанастомоз	43	70,5	57	58,8	100	63,3
Уретероцистонеоанастомоз + уретероцелени бартараф этиш	1	1,6	4	4,1	5	3,2
Уретероцистонеоанастомоз + уретра клапанини бартараф этиш	9	14,8	10	10,3	19	12,0
Уретероцистонеоанастомоз қовуқ бўйинчаси склерозини бартараф этиш	6	9,8	6	6,2	12	7,6
Уретероцистоанастомоз контрлатералнефрэктомия қовуқ бўйинчаси склерозини бартараф этиш	1	1,6	0	0,0	1	0,6
Жами	60	98,4	77	79,4	137	86,7
Геминефрэктомия уретероцелени бартараф этиш	0	0,0	15	15,5	15	9,5
Нефрэктомия	1	1,6	5	5,2	6	3,8

Уретерогидронефроз жараёнига жалб этилган буйрак паренхимасининг функционал ҳолатини баҳолашда УТГ ва экскретор урография натижалари ҳамда уретероцистонеоанастомоз муолажасининг бажарилишини ҳисобга олиш, қатор ҳолатларда буйракнинг тўлақонли функциясини тиклаш имкониятини таъминлай олмади ва шунга мос равишда сийдик йўли бўйлаб уродинамиканинг бузилиши ва САЙ инфекциялари ҳолатлари узок муддат сақланиб турди, бу эса кейинчалик 6 (9,8%) нафар беморда такрорий аралашувлар–нефрэктомия (2) ва геминефрэктомия (4) муолажаларини бажаришни тақазо этди.

Тадқиқот жараёнида шикастланган буйрак паренхимаси функционал ҳолатини қатъий ҳисобга олмасдан уретероцистонеоанастомоз муолажасини бажариш бўйича тўпланган салбий тажрибадан келиб чиққан ҳолда ушбу муолажани ўтказиш бир оз чегараланди. Беморларнинг асосий гуруҳида

буйрак функцияси сақланганлиги ва патологик ўзгаришларнинг ортга қайтувчанлигини янада аниқ ва жиддий баҳолаш мақсадида операциядан олдинги текширувлар протоколига қўшимча тарзда мажбурий ҳолатда МСКТ контрастлаш, радиоизотоп текширув, буйрак қон-томирлари доплерографияси текширувлари киритилди. Иккиланган буйракда болаларда юқорида санаб ўтилган текширувлар, аъзонинг алоҳида, ҳар бир сегмент (катталашган буйракнинг юқори ва қуйи сегменти)нинг ва юқори сийдик йўлининг морфофункционал ҳолатини баҳолашда ёрдам беради ва бу текширувлар 15 та (15,5%) ҳолатда геминефрэктомия муолажасини бажариш билан чекланиш имконини берди. Асосий гуруҳдаги 5 нафар (5,2%) беморда шикастланган буйракни комплекс текшириш буйрак батамом фаолиятсизлигини аниқлаб берди, натижада нефрэктомия амалиёти бажарилди.

Асосий гуруҳдаги беморларда операция ҳажмини танлашдаги бундай дифференциалланган ёндашув ишламаётган буйракни олиб ташлаш кўринишидаги такрорий операцияларнинг олдини олиш имконини берди, назорат гуруҳидаги беморларда эса такрорий операциялар салмоғи 9,8% ни ташкил этди.

Уретерогидронефрозда болаларда шикастланган буйракнинг тўлиқ ишламаслиги сабабли бажариладиган нефрэктомия амалиётига кўрсатмалар камдан-кам ҳолда юзага келади – бу муолажалар беморларнинг 7 нафари (4,4%)да бажарилди. Кузатувлар жараёнида икки томонлама нефрэктомияга кўрсатмалар бўлмади. Буйрак паренхимаси ва унинг ажратув функцияси сақланганлигининг кичик белгиларида ҳам аъзони асраб қолувчи операциялар бажарилди, бу амалиёт сийдик йўли дистал қисми резекцияси ва уретероцистонеоанастомоз қўйиш (137 нафар (86,7%) беморда бажарилган) ва геминефрэктомия (15 нафар (9,5%)) муолажасидан иборат бўлди (3-жадвал). Радикал аралашувлар даражасининг ортишига уретероцелени бартараф этиш бўйича 20 нафар (12,7%), уретра клапанини бартараф этиш бўйича 19 нафар (12,0%) ва қовуқ бўйин склерозини бартараф этиш бўйича 13 нафар (8,2%) беморда бажарилган қўшимча муолажалар кўмаклашди.

Сийдик йўлининг уретеровезикал сегменти резекцияси ва антирефлюкс ҳимояни таъминлаш (уретероцистонеоанастомоз қўйиш) учун уни сийдик пуфагига реоимплантация қилишдан иборат реконструктив-тиқловчи операциялар 137 нафар (86,7%) беморда бажарилди. Хирургик давони танлашда анъанавий ёндашувга амал қилинган назорат гуруҳи беморларида Политан–Ледбеттер (46 нафар, 76,7%) ва Коэн (8 нафар, 13,3%) усуллари бўйича сийдик йўли-қовуқ сегментининг пластикаси мақбул деб топилди, алоҳида ҳолатларда жарроҳлар томонидан Боари (3), Бишоф (2) ва Грегуар (1) усули бўйича бажарилган операциялар қўлланилди.

Юқорида санаб ўтилган уретероцистонеоанастомозни қўйиш усуллари ўз афзалликлари билан бир қаторда муайян камчиликларга ҳам эга, шундан келиб чиққан ҳолда антирефлюкс механизмли сийдик йўли-қовуқ тешигини қўйишнинг модификацияланган усули ишлаб чиқилди, бу усул моҳияти қуйидагича (ихтирога IAP 05059-сон патент олинган):

1. Сийдик йўлининг уретеровезикал қисми ўткир ва ўтмас усулда ўраб турган тўқималардан ажратилади, бу уретерани асосий ўқ бўйича тўғрилаб, шу тариқа абзонинг тешигини торайтираётган ва сийдикнинг ламинар оқимига тўсқинлик қилаётган патологик буралишлар бартараф этилади. Сийдик йўли мобилизацияси ва тўғриланишининг муқаррар натижаси унинг узайиши ҳисобланади (кузатувлар жараёнида 1 см дан 15 см гача). Шу тариқа ҳосил қилинган сийдик йўлидаги ортикча соҳа уретероцистонеоанастомоз қўйишдан олдин керакли соҳага боғланади ва резекцияланади. Бунда резекцияланадиган соҳа узунлигини аниқ ўлчаш жуда муҳим. Бу, бир томондан, калта сийдик йўлида анастомознинг тортилишига йўл қўймаслик учун, иккинчи томондан, жуда узун сийдик йўли қолдирилганда буралишнинг тор тешиги шаклланишининг олдини олиш учун. Сийдик йўли дистал қисмининг индивидуал дозаланган резекцияси нафақат мақсадга молик, балки патоморфологик асосга ҳам эга. Маълумки, уретерогидронефрозда абзонинг айнан дистал қисми энг кўп кенгайди ва юпқалашади, айнан мана шу қисм резекцияланади, уретероцистонеоанастомоз эса бирмунча проксимал жойлашган, яъни деярли ўзгармаган сийдик йўли сегменти орқали шаклланади.

2. Обструктив ва рефлюксловчи уретерогидронефроздаги, шунингдек, икки томонлама шикастланишдаги хирургик тактика ва операция техникаси ўзгармайди.

